

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Олий ва ўрта махсус професионал таълим бўиницинар Фурӯши  
момниималар филиалини Муваффоғатириуни мекальчанинг  
таддисидаги таълим макаласига санни йилдан йўналишининг макуллантида  
Олий ва ўрта махсус таълим программи 2022  
жони соли сабтубири билан пайдо ишади.

**ЖОРНӢ ЭТИЛДИ**

**60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва  
соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Малака талаби "Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги" таълим макаласига санни йилдан йўналишини макуллантида олди. Малака талаби таълим макаласига санни йилдан йўналишини макуллантида олди. Малака талаби таълим макаласига санни йилдан йўналишини макуллантида олди.

Ўзбекистон Республикаси художествен музейларнига таълим макаласига санни йилдан йўналишини макуллантида олди.

**Тошкент**

**ЎЗР ОУМТВ**

Ейруқ № 302

"09" 09 2022 йил

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуидаги Олий ва ўрта маҳсус, професионал таълим йўнлишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил «09 » 09 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдикланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар .....	6
2.2.	Касбий компетенциялар .....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9

Келишув варағи

## **1. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака тадабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ҳамда иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:**

60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) иктисолиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, турли мулк шаклларида тегишли, турли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва сугурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, мактабгача, умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларига тадбиқ этиш учун замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш, корхона/ташкилотларда ахборотларни компьютерли қайта ишлашни ташкил этиш, корхона/ташкилотларда фойдаланадиган ахборот тизимлари ва технологияларининг бошқарув жараёнларида фойдаланадиган ахборот тизимлари ва технологияларининг техник ва дастурий воситаларини танлаш, корпоратив ахборот тизимлари, ракамли иктисолиётнинг технологиялари ва замонавий дастурий воситалар ёрдамида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш орқали электрон ҳукumatни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш истиқболини белгилаш билан баглиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

**1.2.2. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва таркибий кисмларининг рақамли иқтисодиётдаги ахборот фаолияти;
- таълим муассасалари ҳамда уларни бошкаришдаги ахборот жараёнлари;
- ахборотларни компьютерли қайта ишлишни ташкил этиш восита ва усуллари, ҳамда хисоблаш тизимларининг дастурий ва техник воситаларини ишлаб чиқиш жараёнлари;
- бизнесни бошқаришда ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш жараёнлари;
- ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновациялар ва инновацион жараёнлар.

**1.2.3. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш;
- ахборот-таҳлий фаолият;
- иқтисодий ҳисоб-китоб;
- шимий тадқиқот фаолият;

**1.2.4. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фалиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчиси куйидаги касбий вазифаларини бажаришга кодир бўлиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш тизимини ишлаб чиқиши;
- замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиши;
- корхона ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари фаолиятини режалаштириш;
- замонавий дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда ахборотларни қайта ишишни намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларида ахборот тизимлари фаолиятини бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини қўллай олиш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ижтимоий-иктисодий ахборотларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборот тизимларида ташкилий-бошқарув карорларини асослаш;
- корхона ва ташкилотларни иқтисодий ривожлантириш бўйича ахборот-таҳлилий (онлайн сўрвнома ва бошқалар) тадқиқотларни ўтказиш ва ахборот тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбик этиш;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси доирасида иқтисодий-математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши;
- корхона ва ташкилотларда замонавий ахборот технологиялари ва корпоратив ахборот тизимларини жорий этиш;

- турли мулк шакллариға тегишли, турли тармок ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ахборот коммуникация хизматлари бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантиришнинг ахборот стратегияларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятда:**

- карор қабул килиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқарув жараёнини самарали йўлга кўйиш учун ишончли маълумотларни тўплаш ва таҳлил килиш;
- корхона/ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва татбиқ этиш;
- корхона/ташкилотнинг фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича хисбот тайёрлаш.

#### **Иқтисодий хисоб-китоб фаолияти:**

- корхона/ташкилотни ривожлантиришда иқтисодий ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар хисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;
- харакатдаги меъёрий-хукукий базада келтирилган андозали услуга асосида иқтисодий ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар хисоб-китобларини амалга ошириш;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий фаолиятини ахборотлаштириш;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг замонавий ахборот тизимлари инфратузилмасини ташкил этиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ҳамда илмий ечимларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ракамли ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Илмий тадқиқот фаолияти:**

- корхона/ташкилот бошқарувига замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш юзасидан аниқ иқтисодий хисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган, олинган топширик бўйича ахборот маълумотларини излаш, тўплаш ва таҳлил килиш;
- иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топширикка асосан замонавий ахборот технологиялари ёрдамида қайта ишлаш, таҳлил килиш, баҳолаш, олинган натижаларни қиёслаш ва асосланган хуносаларга келиш;
- мутахассислик фаолияти соҳасига тегишли тадқиқ этилаётган жараёнлар, ходисалар ҳамда обьектларни стандарт назарий, ракамли ва эконометрик моделларини тузиш, таҳлил килиш ва олинган натижаларни қиёслаш;
- замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида хисботлар ва ахборотлар шарҳини тайёрлаш;
- статистик кузатишлар, электрон сўровлар, анкета сўровлари ва уларнинг бирламчи натижаларини қайта ишлаш;
- рақамли трансформациянинг ижобий ҳамда салбий оқибатларини аниқлашда иштирок этиш, ишлаб чиқилган ахборот коммуникация дастурларини хаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **2. 60610200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил кила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниш, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши хамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- замонавий ахборот технологияларини ва инновацияларни касбий фаолиятида кўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган карорлар кабул кила олиш;

- янги Ўзбекистонни юксак мэрраларга олиб чиқиш йўлида янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурати тўгрисида тасаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;

- замонавий ахборот тизимлари ва технологияларидан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари хамда механизмларини ишлаб чиқа олиш;

- корхона ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари фаолиятини режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ахборотларни қайта ишлашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқа олиш;

- замонавий дастурлаш тилларини ўзлаштириш ва корхона/ташкилотлар учун керакли дастурларни ишлаб чиқа олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларида ва ташкилотларнинг бошқарув жараёнларида ахборот тизимлари фаолиятини оптималлаштириш;

- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини кўллай олиш;

- лойихалар, бизнес-режалар ва шарномаларни шакллантириш хамда электрон тижоратни йўлга кўйиш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари асосида макроиктисодий мухитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат мухитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари асосида бошқарув карорларини тўғри кабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

## **Таяинч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, тармоқлар ва соҳалар, корхона/ташкилотлар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, замонавий ахборот технологиялари, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, илмий тадқиқот жараёни, дастурий воситалар, технологиялар, ахборотларни қайта ишлаш, ахборот тизимлари.

# КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор

К. Шарипов

М. Ў.

202\_ йил « \_\_\_\_ »



Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси

Раис

Б.А. Бегалов

М. Ў.

202\_ йил « \_\_\_\_ »

## КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор

Ш. Якубов

М. Ў.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети


Ректор

Б. Махкамов



Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникация-  
ларини ривожлантириш вазирлиги  
Бошқарма бошлиғи

Ж. Шукуров



ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон  
иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
ilmий асослари ва муаммолари” илмий  
тадқиқот маркази

Директор

М. Калонов

202\_ йил « \_\_\_\_ »

